

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2017 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

**Самарқанд – 2018**

## СЎЗ БОШИ

Самарқанд вилоятининг статистик ахборотномаси – Самарқанд вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-декабр ойлари яқунлари бўйича вилоятнинг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I-чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Рев.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган.

Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш, сув таъминоти, канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг Б,С,Д,Е,Ф сексиялари).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Сексия А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, ялпи ички маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	Ҳоиз	0,0	–	катта бўлмаган микдор
млрд.	–	Миллиард	м.	–	марта
млн.	–	Миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	Квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3) .....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	Метр			

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	7
<b>I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>8-9</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	9
<b>II. САНОАТ</b>	<b>10-13</b>
2017 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10-11
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	12-13
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>14-21</b>
Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари	14
Мева-сабзавот маҳсулотлари	15
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	15
2018 йил 1 январь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони	16-17
2017 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	18
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби	19
2017 йил вилоятда етиштирилган пилла хом-ашёси	20
2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	21
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>22-26</b>
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	22
2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	23
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	24
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	25
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти	26
<b>V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)</b>	<b>27-28</b>

2017 йил январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши	27-28
--	-------

## **VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**

**29-35**

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича	29
Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар	30
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ва улуши	31-33
Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари	34-35

## **VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР**

**36-41**

2017 йилнинг январь-декабрида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	36
2017 йил январь-декабрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши	37
2017 йилнинг январь-декабрида вилоят экспорт-импорти таркиби	37-38
Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби	39
2017 йилнинг январь-декабрида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси	40-41

## **VIII. ТРАНСПОРТ**

**42-43**

Юк ташиш ва Юк айланмаси транспорт турлари бўйича	42
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	43

## **IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ**

**44-50**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси	44
2017 йил январь-декабрда чакана савдо айланмаси таркиби	45-46
Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари	46-48
Худудлар кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариш	48-49
Худудларнинг бозор хизматлари ишлаб чиқаришдаги улуши	50

## **X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ**

**51-57**

Доимий аҳоли сони	51-52
Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-декабрда	52-53
Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузулиши, аҳолининг миграция кўрсаткичлари	54-56
Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони	57

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Ялпи ҳудудий маҳсулот</b>	<b>18133,4</b>	<b>102,8</b>
Саноат маҳсулоти	9167,7	104,5
Истеъмол товарлари	5579,6	97,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9088,2	101,4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3307,1	89,9
Қурилиш ишлари	2351,1	95,6
Юк айланмаси (млн. тн-км)	1003,6	103,2
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	13721,7	102,7
Чакана товар айланмаси	9017,2	101,2
Хизматлар, жами	8237,6	104,9
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	1096,6	112,3
Экспорт	257,8	99,5
Импорт	838,8	116,9
Салдо (+;-)	-580,9	126,7

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 18133,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 2,8 фоизга ўсди.


2017 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 117,7 фоизни ташкил қилди.

### Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	млрд.сўм		2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>14999,9</b>	<b>18133,4</b>	<b>102,8</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14671,2	17739,9	102,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	328,7	393,5	102,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>14671,2</b>	<b>17739,9</b>	<b>102,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4389,8	5772,6	101,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3687,0	4386,3	100,4
Саноат	2705,8	3335,4	102,2
Қурилиш	981,2	1050,9	95,6
Хизматлар	6594,4	7581,0	105,0
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1416,0	1661,2	102,7
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1639,2	1801,6	105,3
Бошқа хизматлари	3539,2	4118,2	105,7

## Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2016 йил



2017 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (95,6%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (102,7%) ва саноат (102,2%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 70,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-декабрга нисбатан 1,7 фоизли бандга камайган.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 42,8 фоизни ташкил қилди.



## II. САНОАТ

Вилоятда саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь-декабрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9167,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,5 фоиз бўлди.

Ҳисобот даврида 5579,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 97,7 фоизни ташкил этди. Жумладан, 2765,6 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 2814,0 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 106,9 ва 90,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперацияларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 4344,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

### 2017 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш



	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>9167,7</b>	<b>104,5</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>63,6</b>	<b>110,5</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Металл рудаларини қазиб олиш	1,9	118,0
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>8799,4</b>	<b>104,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4024,9	96,1
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1942,2	110,2

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	180,0	102,5
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	42,8	72,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,3	99,9
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	323,2	118,5
Асосий фарматсевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	62,8	162,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	317,9	116,2
Металлургия саноати	54,6	95
Автотранспорт воситалари, тиркамалар ва ярим притсеplar ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	1848,7	120,4
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш</b>	<b>243,8</b>	<b>105,3</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш</b>	<b>60,8</b>	<b>112,5</b>

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-декабрь


2017 йил январь-декабрь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш
- Сув билан таъминлаш; канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизатсия қилиш

**Ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари, млрд.сўм**

<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>5579,6</b>	<b>97,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Озиқ-овқат товарлари	2765,6	106,9
Ноозиқ-овқат товарлари	2814,0	90,1



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини  
ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**


	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь- декабрь	2016 й январь- декабрга нисбатан %
<b>Қайта ишлаш саноати</b>			
Таркибида иккита таъминловчи элемент–азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	<i>минг тонна</i>	37,7	51,3
Арок	<i>минг л. 100% спирт</i>	1933,0	91,4
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	<i>минг л. 100% спирт</i>	314,9	118,6
Узум виноси	<i>минг л.</i>	1041,2	92,5
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндилардан ташқари)	<i>минг л.</i>	31910	92,9
Юмшоқ буғдой ва спелта уни	<i>минг тн.</i>	143,0	106,4
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони(буханка), оғирлиги 600 г	<i>тн</i>	2079,7	89,6
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фраксиялари (кимёвий модификатсия қилинганларидан ташқари)	<i>тн</i>	13763,0	111,1
Пахта толаси	<i>минг тн.</i>	74,7	107,1
Пахта чигити	<i>минг тн.</i>	95,7	116,3
Пахта тивити (линт)	<i>тн</i>	5978	106,3
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш</b>			
Иссиқлик электр марказлари (ИЕМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	<i>млн.кВт/с</i>	0,40	32,1
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси )	<i>минг Гкал.</i>	75,8	83,3

### Ш. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти – ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажмларининг қийматини белгилаб, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 9088,2 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 115,7 млрд.сўмни (101,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 12,8 млрд.сўмни (102,5 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 23,3 млрд. сўмни (152,2 фоиз) ташкил қилди.


#### Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (2018 йил 1 январь ҳолатига)



**Ҳосил йиғими.** 2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 828,4 минг тонна бошоқли дон экинлари, шундан 811,0 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 639,9 минг тонна картошка (2016 йилга нисбатан 103,3 фоизга кўп), 1777,2 минг тонна сабзавотлар (100,5 фоизга кўп), 128,4 минг тонна полиз экинлари (104,1 фоизга кўп), 416,2 минг тонна мева ва резаворлар (100,7 фоизга кўп) ва 615,5 минг тонна узум (101,4 фоизга кўп) етиштирилди.



2017 йилда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари, минг тонна



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-декабрь

2017 йил январь-декабрь



- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар


**Чорвачилик.** 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,8 фоизга (жами 1466,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,2 фоизга (627,1 минг бош), қўй ва эчкилар 105,3 фоизга (2322,8 минг бош), отлар 100,1 фоизга (23555 бош) ва паррандалар 107,2 фоизга (9589,3 минг бошга) ўсди.

Барча хуудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 65,8 фоизни ташкил этди.

**Чорва моллари ва паррандалар бош сони  
(2018 йил 1 январь ҳолатига)**

	<i>минг. бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>1466,4</b>	<b>100,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	63,4	100,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1398,0	100,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,0	138,9
<b>улардан сигирлар</b>	<b>627,1</b>	<b>102,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	24,8	111,2
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	601,0	101,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,3	118,2
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>2322,8</b>	<b>105,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	118,0	86,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2037,0	107,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	167,8	96,0
<b>Отлар</b>	<b>23555</b>	<b>100,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1946	126,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	21242	99,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	367	68,6
<b>Паррандалар</b>	<b>9889,3</b>	<b>107,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	2081,3	123,9

	минг. бош	ўсиш суръати, %
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4725,0	109,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2783,0	94,9



Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,3 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,8 ва 4,0 фоизни, қўй ва эчкилар 87,7 ва 5,1 фоизни, отлар 90,2 ва 8,3 фоизни, паррандалар 49,3 ва 21,7 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 265,4 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 102,9 фоизга кўп), 1238,1 минг тонна сут (100,8 фоизга кўп), 1234,4 млн. дона тухум (105,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.



**2017 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати,%</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тонна</b>	<b>265,4</b>	<b>102,9</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	17,8	207,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	234,5	98,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	13,0	107,3
<b>Сут, минг тонна.</b>	<b>1238,1</b>	<b>100,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	54,4	99,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1181,7	100,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,0	107,2
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>1234,4</b>	<b>105,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	220,0	93,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	590,1	112,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	424,2	104,3

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-декабрда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3796,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 42,5 фоизни ташкил қилди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 63,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 24,8 минг бош сигир, 118,0 минг бош қўй ва эчкилар, 1946 бош от ва 2081,3 минг бош паррандалар мавжуд.

## 2017 йил вилоятда етиштирилган пилла хом-ашёси

Вилоятда барча тоифадаги хўжаликларда 2017 йилда 1984,2 тонна пилла хом-ашёси етиштирилди, хом-ашёнинг асосий қисми Иштихон, Каттакўрғон ва Ургут туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.



**2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб  
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	<i>январь-декабрь</i>				<i>2016 январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2016 йил</i>		<i>2017 йил</i>		
	<i>Минг тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	<i>Минг тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	
Бошоқли дон	659,3	80,4	664,6	80,2	100,8
<i>шу жумладан: буғдой</i>	651,8	80,6	651,9	80,4	100,0
Картошка	185,2	29,9	183,4	28,7	99,0
Сабзавот	1020,6	57,7	1015,1	57,1	99,5
Полиз	61,5	49,8	60,3	47,0	98,1
Мева ва резаворлар	204,0	49,3	199,1	47,8	97,6
Узум	396,9	65,4	380,3	61,8	95,8
Гўшт, <i>тирик вазнда</i>	8,6	3,3	17,8	6,7	207,7
Сут	54,7	4,5	54,4	4,4	99,4
Тухум, <i>млн.дона</i>	234,5	20,1	220,0	17,8	93,8
Жун, <i>тонна</i>	551	11,5	183	4,0	33,2
Пилла, <i>тонна</i>	2772,0	98,0	1973,2	99,4	71,2

## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 3307,1 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 89,9 фоизни ташкил қилди.

### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши


	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3307,1</b>	<b>89,9</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>502,1</b>	<b>94,1</b>	<b>15,2</b>
бюджет маблағлари	235,5	131,6	7,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	209,9	75,1	6,3
хукумат қафолати остида чет эл кредитлари	56,7	92,6	1,7
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2805,0</b>	<b>88,7</b>	<b>84,8</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари (маҳаллий бюджет маблағларини қўшган ҳолда)	1596,8	159,0	48,3
аҳоли маблағлари	682,9	40,7	20,6
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	57,7	175,8	1,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	467,6	112,5	14,1

**2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**


	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3307,1</b>	<b>724,0</b>	<b>2583,1</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>	100,0	100,0	100,0
<b>қурилиш-монтаж ишлари</b>	<b>69,1</b>	<b>74,7</b>	<b>67,5</b>
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар</i>	26,2	22,6	27,3
<b>Бошқа ҳаражатлар</b>	<b>4,7</b>	<b>2,7</b>	<b>5,2</b>

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва  
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**

2016 йил январь-декабрь




2017 йил январь-декабрь



- марказлашган
- марказлашмаган

**2017 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар**  
(жамига нисбатан фоизда)



- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- тоғ – кон саноати
- ишлаб чиқариш саноати
- электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво
- сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш
- қурилиш
- улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш
- ташиш ва сақлаш
- овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар
- ахборот ва алоқа
- молия ва суғурта фаолияти
- профессионал, илмий ва техник фаолият
- таълим
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- санъат, кўнгил очиш ва дам олиш
- жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар
- бошқа фаолият турлари

## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-декабрда умумий майдони 975,3 минг кв.м. бўлган 5853 та (2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 77,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 746,8 минг кв.м. 75,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 958,9 млрд. сўмни ёки 29,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 68,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 43,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 3,3 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 344,1 км узунликдаги ичимлик суви, 2016 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 93,0 фоизни, газ тармоқлари 67,9 км узунликда ишга туширилди, бу 2016 йил январь-декабрига нисбатан мос равишда 86,6 фоизни ташкил қилди. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 5,7 млн. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 2,5 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 2351,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 95,6 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,3 фоизи бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 4,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 89,3 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 2264,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,3 фоизни (2016 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 97,9 фоизни) ташкил қилди.




Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

## V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 17261 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 70,5 фоизи (2016 йил январь-декабрда 72,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1286,3 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 84,5 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 1057,8 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 228,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 5088,7 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 55,5 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 103,2 фоизни ташкил қилди;

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 8978,4 млрд. сўми ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,8 фоизи) ташкил қилди.

- 1855,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 56,1 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 90,6 фоизни ташкил қилди.

- 2171,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 92,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 111,0 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг ҳажми 941,2 млн.тн.км ўсиш суръати 102,8 фоизни (вилоят жами юк айланмасининг 93,8 фоизи) ташкил қилди, ҳамда йўловчи айланмасининг ҳажми 13373,4 млн.кишини ташкил қилиб ўсиш суръати 102,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,4 фоизи) кўпайди;


- Чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,0 фоизи ёки 8385,2 млрд. сўми (ўсиш 100,6 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 72,4 фоизи ёки 3520,0 млрд. сўми (ўсиш 100,4 фоиз) шакллантирилди;

- 212,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 82,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 504,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 60,1 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти  
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши. фоизда**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8978,4	98,8
Саноат	5088,7	55,5
Қурилиш	2171,1	92,4
Чакана савдо	8385,2	93,0
Юк ташиш, млн.тн.	41,0	92,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	399,9	91,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	212,6	82,5
Импорт, млн. АҚШ долл.	504,4	60,1

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



## VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 54811 тани ташкил қилиб, шундан 43562 таси ёки 79,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасига 33934 та (61,9 фоизи), саноат 3943 та (7,2 фоизи), қурилиш 1854 та (3,4 фоизи), савдо 5136 та (9,4 фоизи), ташиш ва сақлаш 739 та (1,3 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1276 та (2,3 фоизи), ахборот ва алоқа 418 та (0,8 фоизи), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 475 та (0,9 фоизи) ва 7036 та (12,8 фоизи) бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этди.


### 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
